



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РОЛИ

Остонов Мухриддин Бахриддин ўғли

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

“Суғурта иши” кафедраси доценти.

Телефон: +998936599959

muhriddinostonov97@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида суғурта ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган. Рақамли технологияларнинг суғурта соҳасига жорий этилиши суғурта хизматларини янада шаффоф, самарали ва мижозлар учун қулай қилиш имконини бераётгани қайд этилган. Шу билан бирга, рақамли трансформация суғурта ташкилотларини янги бизнес моделларини шакллантириш, маълумотлар таҳлили орқали хатарларни аниқлаш ҳамда автоматлаштирилган хизматлар орқали тезкор қарор қабул қилиш каби имкониятлар билан таъминламоқда. Мақолада суғурта бозорида Иншуртех, блокчейн, сунъий интеллект ва киберхавфсизлик технологияларининг аҳамияти ҳамда уларнинг рақамли иқтисодиёт ривожига қўшаётган ҳиссаси кўрсатиб берилган. Шу асосда, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда суғурта ташкилотлари стратегик аҳамиятга эга экани асослаб берилган.

Калит сўзлар: Рақамли иқтисодиёт, суғурта ташкилотлари, финтех (финансовые технологии), рақамли трансформация, инновацион молиявий хизматлар, киберхавфсизлик, иншуртех (InsurTech), махсулот персонализацияси, мижозлар маълумотларини таҳлил қилиш, онлайн суғурта хизматлари, блокчейн технологияси,



суғурта бозори рақамлилашуви, мобил иловалар орқали суғурта, ахборот технологиялари инфратузилмаси.

Таҳлил ва натижалар. Жаҳонда рақамли иқтисодиёт ривожидаврида суғурта хизмат турларини замонвий технологияларни қўллаш орқали кўрсатишни тадқиқ қилиш каби масалаларга эътибор кундан кунга кучайиб бормоқда. Ушбу соҳада суғурта хизмат турларини кенгайтириб, суғурта компаниялари ихтиёридаги катта миқдорда шаклланган молиявий ресурсларни самарали бошқаришнинг замонавий интеграллашган ахборот тизимларини жорий этиш, тизим маълумотларининг шаффофлиги ва ҳимояланишини таъминлаш, рақамли иқтисодиёт технологияларини қўллаш ҳамда ахборот тизимларининг ўзаро ахборот интеграциясини самарали равишда амалга ошириш методикасини такомиллаштириш асосий тенденциялардан бири ҳисобланади. Шунингдек рақамли иқтисодиёт ва инновацияларнинг кенг ривожланиши суғурта ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган суғурта хизматларини ахборот тизимлари орқали такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда. Ўзбекистонда ҳам суғурта ташкилотлари томонидан суғурта хизматларини кўрсатишда ахборот коммуникацион технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда суғурта хизматларининг янги турларини жорий этиш масаласи бугунги кунда долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Жумладан, суғурта компаниялари томонидан суғурталанувчиларга кўрсатиладиган суғурта хизматларини яхшилаш учун «онлайн» тарзда ва рақамли технологиялардан кенг фойдаланилмоқда. Чунки, суғурта бозоридаги янги рақобатчилар барча ўлчамдаги эски молиявий институтларга таҳдид сола бошлади. Ушбу янги технологиялар суғурта компаниялари томонидан суғурта бозорида суғурта хизматларини кўрсатиш учун кенг имкониятларни яратиб бермоқда. Мамлакатда охириги йилларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, суғурта ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган суғурта хизматларининг янги механизмларини жорий этиш юзасидан катта ишлар олиб



борилмокда. Хусусан, Президентнинг «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дастури I СОН. 2021 159 www.economyjournal.uz тўғрисида»ги (Фармон, 2018), «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Фармон, 2018), «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Қарор, 2018), «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Қарор, 2019), «2020 йил – Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили» деб эълон қилинганлиги ҳамда 2030 йилга қадар «Рақамли Ўзбекистон» концепциясини ишлаб чиқиш белгиланганлиги (Мирзиёев, 2019) бу борада суғурта ташкилотлари олдида қатор вазифаларни бажаришни келтириб чиқаради.

Ўзбекистон миллий суғурта бозорида жаҳон суғурта бозори билан ҳамнафас бўлиб яшаши интеграциялашув ва глобаллашув жараёнларининг фаоллашувига кенг йўл очмокда. Бундай интеграцион жараёнларнинг ривожланиши суғурталанувчиларга замонавий суғурта хизматларини кўрсатишни тақозо этса, иккинчидан, суғурта бизнеси трансформациясини вужудга келтиради. Ушбу жараёнларни иқтисодий-сиёсий жиҳатдан ўрганиш ва илмий хулосалар чиқариш бугунги куннинг давр талаби ҳисобланади. Рақамли иқтисодиёт коррупция ва «қора иқтисодиёт» нинг асосий кушандасидир. Чунки, рақамлар ҳамма нарсани аниқлаштиради ва муҳрлайди ҳамда хотирада сақлайди, керакли пайтда маълумотларни тез тақдим этади. Бундай шароитда бирон маълумотни яшириш, яширин суғурта шартномалари тузиш, у ёки бу фаолият ҳақида тўлиқ ахборот бермасликнинг иложи йўқ, компьютер ҳаммасини намоён қилиб қўяди. Маълумотлар кўплиги ва тизимлилиги ёлғон ва қинғир ишларга йўл бермайди, чунки тизимни алдаш имконсиз. Натижада суғурта ташкилотлари ихтиёридаги бўш маблағларни ўғирлаш, самарасиз ва мақсадсиз сарфлаш, ошириб ё



яшириб кўрсатиш имкони қолмайди. Умуман олганда инновацион ва ахборот технологиялари орқали фаолият юритадиган суғурта ташкилотлар фаолиятини ривожлантириш бўйича қуйидаги чоратадбирларнинг бажарилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим:

1. Ўзбекистонда ҳозирги пандемия шароитида суғурталанувчиларга онлайн суғурта хизматлари кўрсатишни кучайтириш зарур. Ривожланган мамлакатлар суғурта амалиётида суғурта хизматларини онлайн тарзда кўрсатиш кенг қўлланилмоқда. Бу хизмат турини такомиллаштиришда интернет тезлиги ва сифатини яхшилаш, суғурталанувчи шахсларнинг компьютер саводхонлигини ошириш лозим. Чунки, инновацион онлайн суғурталаш суғурталанувчиларни кўп куч ва вақт сарфламасдан суғурта хизматида бўлган талабини қондириш билан ифодалаш мумкин.

2. Суғурта ташкилотининг инвестиция фаолиятини экспресс-диагностикасини ўтказишда инвестиция қийматини маржаси, яъни инвестиция даромадда соф даромаднинг улуши, инвестиция даромади, инвестиция даромадларининг инвестиция харажатларига нисбати коэффиценти, инвестиция харажатларининг инвестиция даромадларига нисбати коэффиценти нисбий кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқиш зарур. Фикримизча, суғурта ташкилотининг инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва сифатининг экспресс-диагностикасини амалга ошириш бўйича инвестиция қиймат маржаси, яъни инвестиция даромадида соф даромаднинг улуши, инвестиция даромади, инвестиция даромадларининг инвестиция харажатларига нисбати, инвестиция харажатларининг инвестиция даромадларига нисбатини аниқловчи кўрсаткичлар ишлаб чиқилиб, бу кўрсаткичлар суғурта ташкилотининг инвестиция фаолиятини ташкил этишда унинг кучли ва кучсиз томонларини аниқлаш имконини берган бўларди.



ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, инновацион технологиялар миллий суғурта компанияларимиз ўртасида рақобатбардошликни ошириш, иқтиқболда компания ишчи ходимларининг меҳнат унумдорлигини ошириш ва дастурий-техник воситаларга қилинаётган ҳаражатларни камайтириш, компания мижозларига замонавий суғурта хизматларини таклиф этиш ва мавжудларини ўз мижозлари талаблари асосида такомиллаштириш, мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш, ҳамда турли моддий кўринишдаги рағбатлантиришларни амалга оширишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб беради. Шу боисдан миллий суғурта тизимимизни истиқболда инновацион технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Биз миллий суғурта компанияларга қуйидаги инновацион суғурта маҳсулотлари ва хизматларини ишлаб чиқишларини таклиф этамиз:

1. “Ақлли” уйлар учун суғурта хизматлари. “Ақлли” уйларни суғурта қилиш оддий уйларга нисбатан риск камлиги, суғурта ходисаси юз берганда зарарларнинг камлиги билан ажралиб туради. Чунки, “Ақлли” уйларда сенсорли, кузатув ва телематика тизимларидан фойдаланилганлиги сабабли турли нохуш вазиятлар юз бериши мумкин бўлган ҳолатларда ёки ёнғин юз берганда, сув тошганда ва бошқа ҳолатларда тегишли ташкилотларга хабар юборилади. Бу эса ўз навбатида моддий зарарларни камайтиришга хизмат қилади.

2. “Ақлли” автомашиналарни суғурта қилиш. Бунда, суғурта компанияси томонидан суғурталанган автомашинага махсус сенсорли датчиклар ўрнатилади ва ушбу датчиклар орқали ҳайдовчининг йўл ҳаракати қоидаларига қанчалик риоя этаётганлиги аниқланади. Агар суғурта компанияси ва мижоз ўртасида ўзаро келишилган ва белгиланган муддатда ҳайдовчи ҳеч қандай суғурта ҳодисаси юз берадиган ҳолатларга йўл қўймаса, унда суғурта компанияси томонидан ушбу



суғурталанувчига суғурта пулининг бир қисми қатариб берилади ёки кейинги суғурталаш жараёнида махсус чегирма қилиш орқали суғурталанувчини рағбатлантирилади.

3.Тиббий суғурталаш. Инновацион технологияларни қўллаш, яъни турли инсонлар томонидан “Ақлли” соатлар тақилиши, уйдаги ҳаво ҳарорати ва намликни назорат қилувчи сенсорли қурилмалардан фойдаланиш тиббий суғурта тизимида тубдан такомиллаштиришга олиб келади. Хусусан, “Ақлли” соатлар билан инсон саломатлигини, юрак уриши, қон босими, ҳарорати ва бошқаларни назоратда сақлаш орқали суғурта компанияси суғурталанувчининг турли касаллаиклар чалинишини олдини олади. Кутилмаган суғурта ходисаси юз берганда эса ушбу инновацион технологиялар соғлиқни сақлаш органларига ўз вақтида керакли хабарларни юборади ва инсон ўлимининг олдини олишда хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
2. OECD – Technology and innovation in the insurance sector 2017
3. <http://www.strategy.uz> – Тараққиёт стратегияси маркази веб сайти маълумотлари асосида тайёрланди.
4. Amy Newell, Online Insurance Industry Enjoys Net Gains, Banking Technology News, February 2002, pp 24-25.
5. Mangani Sh, 2012, The importance of information technology in the insurance industry. Malta.
6. www.stat.uz- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий ахборт сайти маълумотлари.



7. Зайнутдинова, У., & Оstonов, М. (2021).”Ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари”. Иқтисодиёт ва таълим, (3), 163–167. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/115>
8. Giyazova N., Ostonov M.,(2017), “Analysis Of Food Production In Bukhara Region”.Academy., (7), 40-41,
9. <https://academicjournal.ru/images/PDF/2017/Academy-7-22.pdf/analysis-of-food.pdf>